


**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
BAZIRЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЬСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ RESPUBLIKИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

	Абдусаломов О.Э.	преимущества предприятий	
38.	Умарходжаева М.Г., Шермухамедов А.К.	Роль цифровой экономики в повышении конкурентоспособности национальной экономики	152
39.	Fayzullaev S. Sarvar	Ways of improving effectiveness of board of directors	154
40.	Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноатини ривожлантириш стратегиялари	157
41.	Халимова Ф. Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида пиар менежментни қўллаш зарурияти	161
42.	Khojimatov R.R.	The impact of the digital economy on the efficient managing of silk processing enterprises	165
43.	Ходжиақбарова З.Ф.	Менежмент и цифровая экономика	167
44.	L.Y. Shemyatikhina	Knowledge management for economic systems development and sustainability	170
45.	Юсупова Д.Т., Нажмиддинова Д.	Таълим сифатини оширишда инновацион фаолиятнинг ўрни	172
46.	Yuldasheva D	Raqamli iqtisodiyot sharoitida oziq-ovqat havfsizligini ta'minlashning ustuvor yo'nalishlari	175
47.	М.Юсупов, Ж.Мўминов	Республикада ёғ-мой саноатини ривожлантириш йўналишлари	178
48.	Эшматов С.А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида бренд сиёсатини юритиш принциплари ва омиллари	181
49.	Ҳахуаева I.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ishlab chiqarish korxonalarida menejment tamoyillarining o'rni	184
2-ШЎЪБА: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУХИТИНИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ			
50.	Абдуллаев У. А.	Цифровая экономика является ведущим фактором в обеспечении здоровой конкурентной среды - барьеры и риски цифровизации экономики в узбекистане.	188
51.	Аширматова Ш.Н., Юсупова Д.Т.	Ўзбекистон Республикасида экспорт сиёсатининг моҳияти ва вазифалари	190
52.	Карлибаева Р.Х., Карлибаева Г.Х.	Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ривожлантириш	193
53.	Карриева Я.К., Камалова Э.А., Корриева Ш.С., Ибрагимов Ф.А.	Роль и место международного транспорта в логистической управлении перевозках внешнеторговых грузов	200

ҳолат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурлиги билан тушунтирилади. Буларга мамлакат муҳофизат қобилиятини таъминлаш, ички бандликни ошириш, янги тармоқларни ҳимоялаш ва ҳ.з. лар киради.

Иқтисодий рақобатга бардошли бўлган давлатлар ҳам, бундай рақобатга чидамсиз давлатлар ҳам лицензиялаш ва квоталарни ўрганиш, божхона божлари ва тарифларни киритиш, маҳсулот сифати ва унинг хавфсизлигини таъминловчи стандартларни ўрнатиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи бошқа бир қатор воситалардан кенг фойдаланадилар, шу орқали ўз ташқи сиёсатларини юргизадилар.

Ташқи иқтисодий сиёсат - бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсатида унинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини, рақобатбардошлигини ошириш алоҳида ўрин тутди.

Мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг ўз олдида қўйган вазифалари мавжуд бўлиб, давлатнинг иқтисодий сиёсати шу вазифаларни бажаришга қаратилмоғи лозим. Улар орасида энг муҳимларидан бири экспортни ривожлантириш ва унинг тузилишини яхшилаш ҳисобланади. Чунки, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш миллий ишлаб чиқаришни техник иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтарилади, унинг тузилишини такомиллаштирилади, Республика валюта захираларини кўпайтиради. Шунингдек, импорт тузилишини такомиллаштириш, яъни уни миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтиришга қаратиш, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, яъни маълум даражада ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт-импорт операциялари, валютани олиб чиқиш, бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратини ўрнатиш ҳам экспорт сиёсатидаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

*Р.Х.Карлибаева, профессор
Г.Х.Карлибаева, тадқиқотчи,
ТДИУ*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Замонавий шароитда миллий акциядорлик жамиятларида шаклланган молиявий менежмент республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг турли босқичларида ривожланиб борди. Лекин ушбу ривожланиш, жаҳон амалиётида молиявий менежментнинг эволюцион

тараққиёти билан қиёсланганда қисқа даврда сифат жиҳатидан такомиллашиб борганлигини кузатиш мумкин. Молиявий менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан амалга оширилган ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётининг тараққиёти, шаклланган иқтисодий тизим шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, ундаги институционал бирликлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми асос ҳисобланади.

Миллий анъаналар билан уйғун ҳолда шакллантирилган молиявий менежментнинг фундаментал асослари ривожланган мамлакатлар молиявий менежмент мактаби намоёндаларининг концепцияларига асосланган. Лекин республикамизда ўзига хос тавсифдаги “Ўзбек модели” деб эътироф этилувчи бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар таъсирида акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тараққиёти ғарб мамлакатларидаги тараққиёт қонуниятларидан фарқли равишда ривожланиб бормокда.

Акциядорлик жамиятларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги аҳамиятини йиллар мобайнидаги маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси тренди ва уни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги корреляциясини аниқлаш орқали таҳлил қилиш улар фаолияти самарадорлигини мукамал баҳолаш имконини беради.

Бу ерда, Y – ЯИМ;

X -Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми.

Жуфт корреляция коэффиценти куйидагига тенг:

$$r_{x,y} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 \sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}} = \frac{1354,96}{\sqrt{219,37 \times 8506,74}} = 0,991$$

Ушбу кўрсаткич асосида аниқлаш мумкинки, x ва y омиллар ўртасидаги детерминация коэффиценти $r^2_{x,y}=0,982$ га тенгдир.

1-жадвал

Акциядорлик жамиятлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ялпи ички маҳсулот ҳажми вариациясининг боғлиқлигини ҳисоблаш⁶⁶

Йиллар	x_i	y_i	x_i^2	$(x_i - \bar{x})$	$(y_i - \bar{y})$	$(x_i - \bar{x})^2$	$(y_i - \bar{y})^2$	$(x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})$
2012	27,1	62,4	734,41	-7,7	-50,4	59,29	2540,16	388,08
2013	29,8	78,8	888,04	-5	-34	25	1156	170
2014	32,3	97,9	1043,29	-2,5	-14,9	6,25	222,01	37,25
2015	35,1	120,9	1232,01	0,3	8,1	0,09	65,61	2,43
2016	39,1	145,8	1528,81	4,3	33	18,49	1089	141,9
2017	45,3	171,4	2052,09	10,5	58,6	110,25	3433,96	615,3
2018	47,6	199,3	2265,76	12,8	86,5	163,84	7482,25	1107,2

⁶⁶ Жадвал ЎзРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Йиғинди	208,7	677,2	7478,67			219,37	8506,74	1354,96
Ўртача кўрсаткич	34,8	112,8						

Демак, $r_{x,y} / \pm 0,7/$ дан $/ \pm 1,0/$ оралиғида бўлиб, бу, ўз навбатида, омил ва натижа ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ўсишига республикадаги акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ва “Ўзкимёсаноат” АЖ товар маҳсулотининг қиймати ўртасидаги боғлиқликни кўрамыз. Натижада улар ўртасида қуйидаги корреляцион матрица тузилди.

2-жадвал

ЯИМ, акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти товар маҳсулотининг корреляцион матрицаси⁶⁷

	Y	X ₁	X ₂
ЯИМ, Y	1		
Жами АЖлари, X ₁	0,9910	1	
Ўзкимёсаноат АЖ товар маҳсулоти, X ₂	0,9794	0,9757	1

Корреляцион матрица таҳлилидан кузатиш мумкинки, республика ЯИМи ўсиши (Y) билан жами АЖлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми (X₁) ва “Ўзкимёсаноат” АЖ товар маҳсулоти ўртасида кучли тўғри алоқа мавжуд экан (мос равишда 0,9910 ва 0,9794).

Демак, республикада акциядорлик жамиятларининг ортиб бориши ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти товар маҳсулотининг ўсиши, ўз навбатида, республикада ЯИМнинг ўсишига олиб келар экан.

Кўп омилли эконометрик модели тузишда ушбу омилларнинг моделга киритилиши ёки киритилмаслигини ҳисобга олиш лозим. Бундай муаммони ҳал қилиш учун, аввало, кўп омилли чизиқли эконометрик модель ҳосил қилинади:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n \quad (1)$$

бу ерда, y - натижавий омил; x_1, x_2, \dots, x_n - таъсир этувчи омиллар.

(1) моделдаги номаълум a_0, a_1, \dots, a_n параметрларни топиш учун қуйидаги нормал тенгламалар тизими тузилади:

⁶⁷ Жадвал ЎЗРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 + \dots + a_n \sum x_n = \sum y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 + \dots + a_n \sum x_n x_1 = \sum y x_1 \\ \dots \\ a_0 \sum x_n + a_1 \sum x_1 x_n + a_2 \sum x_2 x_n + \dots + a_n \sum x_n^2 = \sum y x_n \end{cases} \quad (2)$$

Ушбу (2) нормал тенгламалар тизими Гаусс усули ёки ўрнига қўйиш усули орқали ечилса, у ҳолда номаълум a_0, a_1, \dots, a_n параметрларнинг аналитик қийматлари топилади.

Тадқиқот олиб борилаётган жараён бўйича қуйидаги кўринишдаги кўп омилли эконометрик модель тузилди:

$$Y = -89,75 + 5,12 \cdot X_1 + 16,34 \cdot X_2 \quad (3)$$

$$R^2 = 0,9896, F_{his} = 239,05, t_{x_1, his} = 4,081, t_{x_2, his} = 0,874$$

Тузилган (3) кўп омилли эконометрик модель таҳлили кўрсатадики, республикамизда АЖлар (X_1) ялпи маҳсулоти 1 трлн. сўмга ошса, республика ЯИМнинг ўсиши (Y) ўртача 5,12 трлн сўмга ортар экан.

Тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (3) статистик аҳамиятлиги ва ишончилигини текшираемиз. Эконометрик таҳлил назариясидан маълумки, детерминация коэффиценти 0 ва 1 оралигидаги қийматларни қабул қилади. Коэффициент қиймати қанча 1 га яқин бўлса, боғлиқлик шунча кучли ҳисобланади. Ҳисоб-китобларимиз бўйича детерминация коэффицентининг 0,9899 қийматга тенг бўлиши, моделда мазкур иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида етарли даражада кучли боғлиқлик мавжудлигини билдиради.

Моделларни турли миқдордаги омиллар билан таққослаш имконияти бўлиши ва ушбу миқдордаги омиллар R^2 статистикага таъсир этмаслиги учун одатда текисланган детерминация коэффицентидан фойдаланилади, яъни

$$R_{\text{текис}}^2 = 1 - \frac{s^2}{s_y^2} \quad (4)$$

Ҳисоб-китоблар кўрсатмоқдаки, ушбу текисланган детерминация коэффиценти 0,9855 қийматига тенг бўлиши ва унинг R^2 га яқинлиги, моделнинг таъсир этувчи омиллар сони ўзгариши атрофда қийматлар қабул қилинишини билдиради.

Тузилган кўп омилли эконометрик модел (3) нинг статистик аҳамиятлиги ва ўрганилаётган жараёнга мос келишини аниқлаш учун Фишернинг F -мезонидан фойдаланамиз. F -мезоннинг ҳисобланган қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$F_{\text{хисоб}} = \frac{R^2}{1-R^2} \cdot \frac{n-m-1}{m}, \quad (5)$$

бу ерда: R^2 - детерминация коэффициенти; n - кузатувлар сони; m - омиллар сони.

F -мезоннинг ҳисобланган қиймати $F_{\text{хисоб}} = 239,05$ га тенг. Агар ҳисобланган қиймат жадвалдаги қийматдан катта бўлса, у ҳолда тузилган кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ёки ўрганилаётган жараёнга мос дейилади.

F -мезоннинг жадвал қийматини топамиз. Бунинг учун озодлик даражалари $k_1 = m$ ва $k_2 = n - m - 1$ ҳамда α аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлик даражаси $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражалари $k_1 = 2$ ва $k_2 = 8 - 2 - 1 = 5$ дан келиб чиқиб, F -мезоннинг жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}} = 5,79$ га тенг.

$F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ шартни қаноатлантиради, бу эса, F -мезоннинг ҳисобланган қиймати жадвалдаги қийматидан катта эканлигидан статистик аҳамиятли бўлиб, ундан республикадаги ЯИМни келгуси даврларга прогноз қилишда фойдаланиш мумкин.

Кўп омилли эконометрик модель параметрлари ва корреляция коэффициентларининг ишончилигини текширишда Стюдентнинг t -мезонидан фойдаланилади. Бунда уларнинг қиймати тасодифий хатолар қийматлари билан таққосланади.

Эконометрик модель параметрлари ва корреляция коэффициентларининг тасодифий хатолари куйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum (y - \hat{y}_x)^2 / (n-2)}{\sum (x - \bar{x})^2}} = \sqrt{\frac{S_{\text{колдик}}^2}{\sum (x - \bar{x})^2}} = \frac{S_{\text{колдик}}}{\sigma_x \sqrt{n}}; \quad (6)$$

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum (y - \hat{y}_x)^2}{(n-2)} \cdot \frac{\sum x^2}{n \sum (x - \bar{x})^2}} = \sqrt{S_{\text{колдик}}^2 \frac{\sum x^2}{n^2 \sigma_x^2}} = S_{\text{колдик}} \frac{\sum x^2}{n \sigma_x}; \quad (7)$$

$$m_{r_{xy}} \sqrt{\frac{1 - r_{xy}^2}{n - 2}}. \quad (8)$$

Стюдент t -мезонининг ҳисобланган ($t_{\text{хисоб}}$) ва жадвал ($t_{\text{жадвал}}$) қийматларини таққослаб, H_0 гипотезани қабул қиламиз ёки рад этамиз. Бунинг учун t -мезонинг жадвал қийматини танланган ишончилик эҳтимоли (α) ва озодлик даражаси (d.f. = $n - m - 1$) шартлар асосида топамиз. Бу ерда n - кузатувлар сони, m - омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражаси $d.f. = 8 - 2 - 1 = 5$ бўлганда, t -мезонинг жадвал қиймати $t_{\text{жадвал}} = 2,57$ га тенг.

ЯИМнинг ўсиши бўйича кўп омилли эконометрик моделдаги ҳисобланган параметрлар учун ҳам $t_{\text{ҳисоб}} > t_{\text{жадвал}}$ шарти қаноатлантирилиши лозим.


Кўп омилли эконометрик модель (3) бўйича ушбу шартни (X_1) омиллари қаноатлантирмоқда.

(3) модель бўйича натижавий омил қолдиқларида автокорреляцияни текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз:

$$DW = \frac{\sum_{i=2}^n (e_i - e_{i-1})^2}{\sum_{i=1}^T e_i^2} . \quad (9)$$

Агар натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган DW мезони қиймати 2 атрофида бўлади. Ушбу мисолда ҳисобланган DW мезони қиймати 1,92 га тенг. Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Агар таҳлил қилинаётган давр мобайнидаги акциядорлик жамиятлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш трендига асосланган ҳолда яқин истиқболга прогноз кўрсаткичларини аниқласак қуйидаги манзарани кузатишимиз мумкин.




1-расм. Акциядорлик жамиятлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ва

2018-2021 йилларга прогноз қиймати⁶⁸

Демак, кўриш мумкинки, прогноз кўрсаткичлари бўйича 2021 йилга бориб акциядорлик жамиятлари маҳсулот ишлаб чиқариши 63,89 трлн. сўмга етиши мумкин. Бунда саноатнинг кимё тармоғида фаолият юритувчи “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг ўрни беқиёсдир.

⁶⁸ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқоридаги маълумотлар асосида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳам прогноз қийматини аниқлашга ҳаракат қиламиз.



2-расм. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти товар маҳсулотининг 2009-2017 йиллардаги динамикаси ва 2018-2021 йилларда прогноз қийматлари, млрд. сўм

2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2021 йилга бориб, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилувчи ялпи маҳсулотнинг ҳажми 3,619 трлн. сўмга етиши мумкин.

Демак, юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- акциядорлик жамиятларининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти юқори бўлса-да, кейинги йиллардаги динамик таҳлили, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси камайиб бораётганлигини тасдиқлайди;
- акциядорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш суръати кузатилган ва ушбу ўсиш параболик тренд тавсифига эга бўлиб, вақт каторлари бўйича 2 йилда ўсиш суръати тезлашган;
- ўсиш суръати кузатилаётганига қарамай, ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбатан паст даражада бўлаётганлиги уларни барқарор иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш фаолиятини интенсивлаштириш масаласи соҳани ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларнинг истиқболдаги самарали ижросини таъминлаш учун барча омиллар қаторида барқарор иқтисодий ривожланишга қатор молиявий омиллар таъсир этади.

Ушбу омиллар таъсирида барқарор ривожланишга салбий таъсир этувчи муаммоларни ҳал қилиш акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини

таъминлаш имкониятлари вужудга келади. Бундай муаммоларни бартараф этиш, биринчи навбатда, акциядорлик жамиятлари молиявий хизмат тизимига қатор вазифаларни юклайди. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

*Я.К. Карриева, д.э.н., проф. Э.А. Камалова, ст.преп.,
Ш.С. Корриева, ассистент, Ф.А. соискатель Ибрагимов,
ТГЭУ*

РОЛЬ И МЕСТО МЕЖДУНАРОДНОГО ТРАНСПОРТА В ЛОГИСТИЧЕСКОЙ УПРАВЛЕНИИ ПЕРЕВОЗКАХ ВНЕШНЕТОРГОВЫХ ГРУЗОВ

В Стратегии действия по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы сфера логистики получила статус стратегической отрасли национальной экономики и начался переход к новому качественному этапу развития⁶⁹.

Правильное построение и эксплуатация логистических систем в цепи поставок на основе внедрения международных стандартов функционирования интегрированной логистики является залогом успешной деятельности на мировых рынках и интеграции Узбекистана в современную структуру международных экономических отношений. Переход на логистическую концепцию управления перевозками грузов позволяет существенно повысить эффективность и качество транспортного обслуживания потребителей транспортных услуг. Концепция логистического менеджмента стимулирует целостный подход к управлению перевозочным процессом при внешнеэкономических операциях.

Укрепление экономической самостоятельности, предоставление свободного выхода на международные рынки предполагают неуклонное расширение и совершенствование внешнеэкономической деятельности, которой обусловлена как внутренними, так и международными условиями. Изменение геополитического положения Узбекистана обуславливает повышение роли ее субъектов в выработке и осуществлении внешнеэкономической стратегии страны, что логически выдвигает улучшение планирования, которое в современном менеджменте ассоциируется со стратегическим планированием, что во всех развитых странах становится правилом, а не исключением. Постановка и решение подобной проблемы со всей очевидностью относится и к Республике Узбекистан.

В современном мире все более весомое значение приобретают внешнеэкономические связи, охватывающие широкий круг проблем на геополитическом уровне, в том числе транспорта, которая является перспективным видом логистической системы управления отражающие внешнеэкономическую деятельность отдельных хозяйствующих субъектов.

⁶⁹www.stat.uz